

Пудрат шартномаси

Шартнома№: 18



Qarshi shahar  
(shartnoma tuzish joyi)

2022 yil 08 aprel  
(shartnoma tuzish sanasi)

DUK QASHQADARYO VILOYAT UY-JOY KOMMUNAL XIZMAT KO'RSATISH BOSHQARMASI HUZURIDAGI QASHQADARYO VILOYAT (bundan buyon - "Bajaruvchi" deb ataladi) nomidan harakat qiluvchi direktor **NEKBOYEV RAXMAT TURDIYEVICH**, bir tomondan, va "KO'P XONADONLI UYLARNI MUKAMMAL VA JORIY TA'MIRLASH HAMDA (bundan buyon - "Buyurtmachi" deb ataladi) nomidan harakat qiluvchi direktor **Рузиев Зафар Абдурахмонович**, ikkinchi tomondan, birgalikda "Taraflar", alohida esa "Taraflar" deb ataluvchilar mazkur shartnomani quyidagilar haqida tuzdilar:

**1. Tovar (xizmat)larning to'liq tafsiloti:**

Ushbu shartnomaga binoan, Mijoz to'laydi va qabul qiladi va Ijrochi quyidagi shartlar asosida tovarlarni (xizmatlarni) yetkazib beradi:

Shartnomaning umumiy miqdori Ikki yuz oltmish olti million bir yuz to'kson to'qqiz ming bir yuz o'ttizi olti so'm 0 tiyin (summa so'zlar bilan).

№	Tovar nomi (xizmat)	Tovar (xizmat)lar Yagona elektron milliy katalogi bo'yicha identifikatsiya kodi va nomi	Tovar/xizmat shtrix kodi	O'lchov birligi	Miqdori	Narx	Yetkazish bahosi	QQS		Yetkazish bahosi QQS bilan
								stavka	summa	
1	Nishon tumani Nuriston MFYdagi 4-sonli ko'p xonadonli turar joy binosini joriy ta'mirlash	10001999001000000 - Бино ва иншоотлар куриш хизмати		dona	1,00	231 477 509,56	231 477 509,56	15,0000	34 721 626,44	266 199 136,00

Kashkadarё viloyati Nishon tumani Mirzo Ulug'bek MFIdagi № 13 kup xonadonli turar joy binosini joriy ta'mirlash ishlari.

**2. Muhim shartlar:**

Pudratchi mazkur shartnoma shartlariga muvofiq shartnoma Nishon tumani Mirzo Ulug'bek MFIdagi № 13 uyini joriy ta'mirlash ishlari ob'ekti qurilish va ta'mirlash ishlarini смета хужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шартлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**3. To'lov tartibi, majburiyatlarni bajarish shartlari va muddati**

Қарор билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда ҚҚС билан 266 199 136 сўмини ташкил этади. Қурилишнинг шартномавий нархларини ўзгартириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдоридан тенг улушларга (30 фоиздан) бўлган ҳолда аванс ўтказди, бу 79 859 741 сўмини ташкил этади. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (2-илова) Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ об'ектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 95 фоизигача доирасида амалга оширилади. Об'ектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган 5 фоизи учун Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва об'ект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин мазкур шартномада белгиланган кафолатли мuddat тамом бўлгандан кейин - ишлар қийматининг 5 фоизигача миқдоридан амалга оширилади.

**4. Tomonlarning huquq va majburiyatlari**

Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 1-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун: - барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга "1" иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва мuddatларда иншоот нархидаги ишларни энг камидан 30% ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш: - танлов натижаси бўйича ишлар бошланган кундан эътиборан об'ектни 30 кунда топшириш; - қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш тушириш оморга жойлаш ва сақлаш; - қурилиш майдони худудидан вақтинчалик иншоотлар қуриш; - Буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида ёрдамчи пудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, ёрдамчи пудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш; - қурилиш таваккалчилигини суғурта қилиш. Мазкур шартнома бўйича об'ектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой мuddatда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик биналардан бўшатиш; қурилиш майдонини қўриқлашини таъминлаш; қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник ҳафсизлигини таъминлаш мажбуриятини олади. Пудратчи об'ект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Об'ектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, об'ектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг зарур тарзда бажарилиши ҳамда об'ектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

**5. Tomonlarning javobgarligi**

Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи: - мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун мuddatда мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини, об'ект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш; - ишлар бажарилиши устидан доимий қурилишда техник назорат ва мазкур шартномага мувофиқ Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш; - Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш; - молиялаштириш жадвали 2 иловага мувофиқ пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш; - мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш; - мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади; Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 10 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

**6. Nizolarni bartaraf qilish tartibi**

Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмасга улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Қарши шаҳар иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

**7. Tovar (xizmat)larni qabul qilish topshirish tartibi**

Қурилиш тугалланган об'ектни қабул қилиб олиш шартномани имзолash санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиш тугалланган об'ектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига бinoan амалга оширилади. Об'ектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилиб олинади. Пудратчи қурилиш тугалланган об'ектни қабул қилиб олиш бошлангундан беш кун олдин мазкур шартноманинг IV бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибдаги икки нусха ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб об'ект Буюртмачининг мулкига айланади.

**8. Shartnomani o'zgartirish va tugatish tartibi**

Буюртмачи: - шартнома кучга киргандан кейин курилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда; - ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган мuddати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ мuddатга кечиктирилганда; - пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда; - пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда; - қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Пудратчи: - ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ мuddатга тўхтатиб қўйилганда; - Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда; - қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган курилиш объекти бир ой мuddатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## 9. FORS-MAJOR

Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш мuddати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзига келтирилган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вақтда ҳузурласа, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар курилишини муҳокама қиладилар. Агар томонлар икки ой ичида келишга олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## 10. Boshqa shartlar

Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотеди. Пудратчи курилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма руҳаситида, ёрдамчи пудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин курилиш майдонига ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишларни учун ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир. Шартнома амал қилиш мuddати 2022 йил 31-декабрга қадар. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилади. Мазкур шартнома тегишли газначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтганидан сўнг ҳуқуқий кучга кирди.

## 11. 11. Tomonlarning mulkiy javobgarligi

Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармас ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон: - иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди; - Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқа жавобгарликка тортилади. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирилган ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 30 фоиздан ошмаслиги лозим. Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортиш суммасининг 0,2 фоизи миқдорига жарама тўлайди. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига мuddати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 30 фоиздан ошмаслиги лозим. Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига мuddати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,1 фоиз миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 30 фоиздан ошмаслиги керак. Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатилишининг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчиҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи курилиш соҳасида назорат инспекциясининг ҳудудаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчида сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдорига ундириш ҳуқуқига эга. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур мuddада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган ҳаражатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада фойдаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди. Мuddат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

## 12. 12. Ishlarni bajarish

Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади. 16. Буюртмачи курилиш майдонига ўз вақилини – Техник назоратчи тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади. 17. Техник назоратчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир. 18. Пудратчи Техник назоратчи ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник назоратчи Пудратчи томонидан ўтказиладиган курилиш майдонига ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича чоралар кўради. 19. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг 71-бандида кўрсатилган мuddатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади. 20. Курилиш майдонига умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади. 21. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва курилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради. 22. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун мuddатда курилиш майдонини белгилли бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади. 23. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгилалиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради. Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида ҳатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади. 24. Пудратчи геодезия ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлаш схемаларини ва жадвалларни сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради. 25. Курилиш майдонига ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади. 26. Пудратчи ўзи томонидан курилишда қўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини қафолатлайди. 27. Алоҳида беритилган конструкциялар ва берkitилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва бошқа тегишли ташкилотларни ёзма равишда хабардор қилади. 28. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиққабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг курилиш соҳасида назорат инспекцияси билан келишган шартларида берkitиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади. 29. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарыга ёзув киритилган ҳолда кейинги ишларни бажаришга киришади. 30. Агар берkitиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечиктирилган вақтдан бошлаб қўрилган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ берkitиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очшига, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиққиларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар ҳисобланмайди. 31. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг ёрдамчи пудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва курилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишган мuddатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 30 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно. Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган мuddатда тузата олмаसा, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди. 32. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ худудларни, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини тозалайди ва озода сақлайди, курилиш даврида майдонда курилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди. 33. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юратади. Дафтарда бутун ишларни бериши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, курилиш техникасининг ишдан чиқishi тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек курилишнинг тугаллаши узил-кесил мuddатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) эътирилади. Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарыда ўз фикрини баён қилади. Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун мuddатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

## 13. 13. Ishlarni qo'riqlash

Пудратчи объектнинг Буюртмачи томонидан қўрилганлигини қайтариб олишга қадар четлари тўсилган курилиш майдони ҳудудидаги материаллар, асбоб-ускуналар курилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўрилганини таъминлайди. 35. Тикланган бинова иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

## 14. 14. Kafolatlar

Пудратчи: - барча ишлар тўлиқҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган мuddатларда бажаришни; - лойиҳа ҳужжатлари ҳамда курилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини; - ўзи томонидан курилиш учун қўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларига давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини; - ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилинишини; объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини қафолатлайди. 44. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг қафолат мuddати томонлар курилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзоланган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади. қафолат мuddати камида 12 ой этиб белгиланади. 45. Агар объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланса, уни бартараф этилгунча қадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда қафолат мuddати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади. 46. Мавжуд нуқсонлар ва

уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади. Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг V-бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга. 47. Пудратчи нуқсонлар ва камчиликлар ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, ушбу масала Тошкент иқтисодий судида кўриб чиқилади.

## 15. TOMONLARNI YURIDIK MANZILLARI VA REKVIZITLARI

### IJROCHI

Nomi: DUK QASHQADARYO VILOYAT UY-JOY KOMMUNAL XIZMAT KO'RSATISH BOSHQARMASI HUZURIDAGI QASHQADARYO VILOYAT

Manzili: SHARQ KO' CHASI, 1-UY

Tel.: 945270888

Faks:

STIR: 305313738

OKED: 41201

H/R: 20208000800845580001

Bank: KАРШИ Ш., "АСАКАБАНК" АЖ KАРШИ ФИЛИАЛИ

MFO: 00194

### BUYURTMACHI

Nomi: "KO'P XONADONLI UYLARNI MUKAMMAL VA JORIY TA'MIRLASH HAMDA

Manzili: AMIR TEMUR KO' CHASI, 74-UY

Tel.:

Faks:

STIR: 307909444

OKED: 41202

H/R: 400121860104017069902110001

Bank: TOШKENT Ш., MАРKAZИЙ BАНKНИНГ TOШKENT ШAХAP ХИСOB- KИTOB KACCA MАРKAZИ

MFO: 00014

№2004899956 08.04.2022 10:10:09  
TASDIQLANGAN  
БЕГМАТОВ АБДИКАХХОР ЮСУПОВИЧ  
operator: didox.uz

№2006081088 08.04.2022 10:10:39  
TASDIQLANGAN  
РУЗИЕВ ЗАФАР АБДУРАХМОНОВИЧ  
operator: didox.uz

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексини “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунининг 21-моддасига мувофиқ хўжалик шартномаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш



Буюртмачи раҳбари:

Пудратчи раҳбари

Юридик хизмат

сўрашувчи

З.Рузиев

томонидан тузилаётган 2022 йил “08 Апрель” 18 - сон шартнома, умумий суммаси 286199136 ИҚСН ЮЗ ОҚДИҚА ОҚИ МИН ШИР ЮС ТУРСОН ТУКЧУЗ ) сўм килиб белгиланган шартнома лойихаси юзасидан, МИН ШИР ЮС ТУРСОН ТУКЧУЗ

### ЮРИДИКХУЛОСА СИ

Мен, ушбу шартнома лойихасини амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексини “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ҳуқуқий экспертиза килиб, ушбу қурилиш Пудрат шартномасини ҳақиқатдан ҳам давлат рўйхатидан ўтганлигини ва мазкур шартномани имзолаш ҳуқуқига эга эканлигини ва банкдаги реквизитлар тўғрилигини, тўлов қобилиятига эга эканлигини ва шартнома лойихасининг қонунчилик ҳужжатларига мос келишлилигини аниқладим.

Шу муносабат билан ушбу шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

Ҳуқуқшунос (Буюртмачи ташкилот):

М.Ў.

“08” Апрел 2022 йил